

Умуминсоний қадриятлар ва миллий ўзликни англаш жараёнида

маънавий ва диний қадриятлар уйғунлиги

Сапарова Гулбахар ЎЗМУ мустақил-изланувчиси

Мобил.тел: +99891 387-33-79

Калит сўзлар: маънавий қадриятлар, адолатпарварлик, миллий ўзликни англаш, урф-одат, анъана, диний қадриятлар, ишид, ислом

Ключевые слова: духовные ценности, гуманность, национальное самосознание, традиции, религиозные ценности, ижил, ислам

Мамлакатимиз мустақиллигини дастлабки йилларида “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб, унда миллий-маънавий тикланиш концепциясининг асосий тамойиллари белгилаб берилди. Улар:

- Умуминсоний қадриятларга содиқлик, адолатпарварлик, инсонпарварлик, динлараро бағрикенглик каби инсоний фазилатларга амал қилиш;

- Ҳалқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, халқимизнинг оғзаки ижоди намуналари (достон, лапар, алла, мақол ва эртаклар)ни тиклаш, ўрганиш;

- Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши, демократик жамиятни қуриш жараёнида шахс фаолияти ва фаоллиги;

- Ватанпарварлик ғояси ва халқига садоқат, миллий қадриятларни асраш ва эъзозлаш, ўзлигини англаш, ватани билан фахрланиш, доимо она-юрти, халқи манфаатини биринчи ўринга қўйиш.

“Миллий-маънавий тикланиш концепцияси” нинг тарихий аҳамияти шундаки, ўзлигини йўқотиш келиб қолган ўзбек ва қорақалпоқ халқининг ўз тарихи, миллий маданияти, аждодлар меросини тиклаши учун кенг имкониятлар яратиб, миллий ўзликни англашга йўл очди. Шунинг эътиборга олиш жоизки, халқ маънавиятини ёки миллат маънавиятини сунъий равишда юзага келтириш ҳам уни кескин ўзгартиш ҳам мумкин эмас. Чунки маънавият ҳар бир халқнинг ижтимоий-маданий узоқ тарихи билан боғлиқ инсоният онги ва қалбидан ўрин олган қарашларнинг мажмуидир. Ўз маънавияти ва маданиятини асраган халқ миллий ўзлигини англаш

имкониятига ҳам эга бўлади. Зеро, маънавий-маданий қадриятлар тадрижий ривожланиш синовларидан ўтиб, халқлар қалбидан ўрин олади.

Миллий-маънавий тикланиш концепциясининг муҳим негизларидан бири инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишидир. Маънавият шахс юксалишининг энг муҳим мезони ва айнаи вақтда уни камолотга элтувчи, ўз-ўзини англатувчи ва ўз имкониятларини эркин намоён қиладиган, маънавий баркамоллигини юзага чиқарадиган омил эканлиги илмий асослангандир.

Миллий ўзликни англаш жараёни мустақил давлатга эга бўлиш билан бирга миллий мафкура асосида амалга ошади. Яъни, “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозланиб келаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқнинг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, ҳар қайси миллатнинг энг азиз орзу интилиш ва умид мақсадларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, ўйлайманки, бундай кенг маъноли тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифода қилган бўламиз”[1; 71-б].

Халқимиз маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини исломий маънавият ва маърифат, унинг манбаъларидан бўлмиш Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат аҳкомлари ташкил қилади. Ислом фалсафаси ва исломий меросимизнинг муҳим қисмини ирфоний меросимиз – тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, хусусан бизнинг Ватанимиз-Туркистонда шаклланиб, эндиликда жаҳон маънавий маданияти, умуминсоний қадриятлари тараққиётига жуда катта хисса қўшган уч буюк тасаввуфий тариқатлар: Яссавия, кубровия ва хожагония-нақшбандия ирфоний-тасаввуф тариқатлари ташкил этади.

Марказий Осиё XII-XIII асрларга келиб тасаввуф тариқатлар фаолиятининг марказига айланди. Бу ерда дастлаб яссавийлик ва кубровийлик, кейинроқ нақшбандийлик тариқати юзага келди. Тарихан, Арнольднинг ёзишича, мўғил истилосидан қаттиқ қўрқув ва қийинчиликка грифтор бўлган халқ, тариқатларни ўзлари учун руҳий тасалли манбаи

сифатида эътироф этдилар [2; 339-б]. Чунки бу давр халқлари маънавиятини муҳим қисмини тасаввуфий тариқатлар ташкил этар эди.

Бу тариқатларнинг қоидаларида, инсонлар учун исломий ахлоқ-одоблар билан бир қаторда рухий поклик, меҳр-шавқат, халол-пок, халол меҳнат билан кун кечириш орқали Аллоҳ висолига етишиш мумкин, деган фикрлар мужассам эди. Яна ислом таълимоти ва қадриятларида чуқур ишониш қатъий риоя қилиш билан бирга ирфоний меросимизда тўғри йўлга бошловчи, меҳнатга чорловчи томонлари ҳам бўлган. Жумладан, баҳоуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” деган шиорида, яъни “Қалбинг Аллоҳда бўлсин, қўлинг меҳнатда” ғояси халқларни динни эгаллаш билан чегараланмасдан меҳнат қилишга, ватан кудратини кучайтиришга ҳамда миллий ўзлигини англашга ҳам ёрдам берган.

Миллий ўзликни англаш жараёнида ислом маданиятининг эзгу ғояларини халқимизга, хусусан ёшларга тўғри тушунтириш, уни турли ғаразли бўхтонлардан ҳимоя қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Аммо турли норасмий диний ташкилотлар, экстремистик кучлар ислом динининг эзгу ғояларини, унинг қадриятларини ўз манфаатлари нуқтаи-назаридан шарҳлаб миллий ўзликни англаш моҳиятига путур етказмоқдалар.

Ислом дини таълимотлари асосида дунёга келган маънавий маданият, унинг эзгу ғоялари ҳозирги кунга қадар ардоқли бўлиб келмоқда. Ислом маданияти деб ном олган улкан маънавий қадриятларни фақат ислом динидан иборат қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Шу нарса аёнки, ҳаёт қамрови жиҳатларига кўра маданиятлар яқинлашуви ижтимоий тафаккурнинг сиёсий ва маънавий соҳаларининг барча томонларини яна кенгайтирган.

Ҳозирги даврда ислом дини ва унинг қадриятлари жамиятнинг ижтимоий, маданий-маънавий тараққиётида улкан хизмат қилаётганини таъкидлаган ҳолда, айрим мамлакатларда ислом динидан ҳокимият учун кураш воситаси сифатида фойдаланаётган сиёсий кучларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли катта хавф сақланиб қолаётганлигига эътибор қаратиш

лозим: “Бир томондан, ислом динининг маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган хиссасини, балки, унинг ҳозир шаклланиб бораётган, сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда. Иккинчи томондан, ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун курул сифатида фойдаланилмоқда. У бир туғ вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат кўрсатмага-ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади” [3; 57-б]. .

Бу назарий фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамият барпо этишнинг ҳозирги даврдаги долзарб масалалардан бири мафкуравий, ғоявий ва ҳатто маълум даражада сиёсий аҳамиятга эга бўлган динни, шу жумладан Ўзбекистонда ислом динини сиёсийлаштиришга унинг миллий ўзликни англашга тўсқинлик қилувчи жиҳатларига қарши кескин ва изчил кураш олиб бориш зарур. Айниқса, турли норасмий диний ҳаракатлар: нурчилар, ваҳҳобийлар, ҳизб таҳрир ал-исломий, айниқса кейинги йилларда пайдо бўлган “Ислом давлати” (ИШИД) ва бошқаларнинг ислом дини ҳақидаги бузғунчи ғоялардан, бўхтонлардан ёшларни химоя қилиш миллий ўзликни англашда ҳам муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1998. –Б.57.

2.Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 71.

3. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи, 2010 йил 12 сентябрь.

4.Arnold T.W., Intisar-l Islam tarihi. Sev.H. Tanduzler..- Ankara.1971.- Б.339.

